

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

Тошкент ш.

«10» 08.2022йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Олмазор тумани мактабгача таълим бўлими» номидан «Низом» асосида иш юритувчи Мирзаева Н.Б бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “NIKA ANNA” МСНJ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи Бурханов С.М. иккинчи томондан, мазкур пудрат шартномасини туздилар

### I. ТАРАФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувоғик белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кура “Олмазоор туманидаги 22-ДМТТ ни жорий тамирлаш” бўйича курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА

#### ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (енг яхши таклифни танлаш) натижасида аниқланган ва танлаш комиссиясининг қарори (2022 йил "17" август, лот № 22110012133312 ) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **385 500 000** (учуз саксон беш миллион бешюз минг ) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга ёнгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БЮОРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 3- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (үттиз) фоизи микдорида аванс ўтказади, **115 650 000** (бирюз ун беш миллион олтиюз эллик минг) сумни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк ҳукуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган қундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупро ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нұқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласи.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заараларни Буюртмачига тўйлади.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласди.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиидir.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиқа хужжатларига қамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуссонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

### 37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлум қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордом томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордом томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.03 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.03 фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.03 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.03 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектеурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.03 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. Коррупцияга қарши шарт

#### 50. Томонлар:

-томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш ҳатти-ҳаракатлари, ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

-томонлар, уларнинг аффилланган вакилларини (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир ҳатти-ҳаракатларни ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

51. Томонда ушбу шартноманинг 6.1.- бандидаги талабларни бузиш, содир этганлиги ёки содир этиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда тегишли Томон бу хақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса-амалдаги қонун хужжатларидаги белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

53. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

54. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга

асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

55. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ақдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

57. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

58. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

59. Шартнома имзоланиб, Газначилиқдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш мuddати 2022 йил 31 декабргача.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### ПУДРАТЧИ:

ООО "NIKA ANNA"

г. Ташкент Алмазарский район Бешкургон 274.

р./с. 2020 8000 5010 3320 1001

Банк: АТ "Халк Банк" Олмазор филиал

МФО 00828

ИНН 306 135 404

Rahbar



#### БЮЮРТМАЧИ:

TOSHKENT, SH. OLMAZOR TUMANI MTB  
SH1FDNUR K'OLHA 75 \* A\*\*-UY  
№: (71) 230-29-87 MFO: 00014  
INN: 305 146 011 OKED 84112  
H/R 10002286026280709 100259052  
MOLIYA BAZIRLIGI GAZNACHILIGI  
H/R 23402000300100001010 MFO 00014  
INN 201122919



Мирзаев Н  
Узунов  
(умз)



"Tasdiqlayman"

Olmazor tuman mактабгача та'lim  
bo'limi "Xarid komissiyasi" raisi  
N.B. Mirzayeva

### 133312-sonli tanlov loti bo'yicha xarid komissiyasining bayonnomasi

Toshkent sh.

2022 yil 22 avgust

**Komissiya raisi:** Tuman maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri v.v.b. N.B. Mirzayeva

**A'zolari:** Q.X.Amirov, Z.T.Xakimova, G.T.Norxodjaeva, S.X.Ubaydullaev

Majlisda qatnashayotganlar komissiya umumiy sonining 100 foizini tashkil etdi va majlis kvorumni xosil bo'ldi.

#### KUN TARTIBI:

1. Tuman tasarrufidagi 22-DMTTni joriy tamirlash ishlari bo'yicha belgilangan tartibda va me'yoriy-xuquqiy hujjatlar talablari asosida baholash ishlarning korporativ xaridi bo'yicha ishtirokchi-talabgorlardan tanlovga ikki ish kuni davomida kelib tushadigan e'tirozlar haqida.

Kun tartibidagi masala yuzasidan, tuman mudiri v.v.b. N.B. Mirzayeva so'zga chiqib, 2022 yil 17 avgust oyidagi bayonnomaga uzex.tender.uz portaliga joylashtirildi va ikki ish kun muhokamada turdi. Muhokama muddati tugagunga qadar tanlov ishtirokchilaridan hech qanday e'tirozlar kelib tushmadi.

#### QAROR QILADI:

1. Tanlov ishtirokchilaridan hech qanday e'tirozlar kelib tushmaganligini inobatga olib, Olmazor tumani tasarrufidagi 22-DMTTni joriy tamirlash ishlari bo'yicha MCHJ "NIKA ANNA" bilan 385 500 000 so'mga shartnomalar imzolansin.

2. Maktabgacha ta'lim bo'limi markazlashgan buxgalteriya davlat xaridlari va shartnomalar bo'yicha hisobchi S.Tursunova: MCHJ "NIKA ANNA" tashkiloti bilan shartnomada tuzish ishlarni lib borish yuklatilsin.

3. Bosh xisobchi K.X.Amirovga: Tuzilgan shartnomani belgilangan tartibda rasmiylashtirib, shartnomalar bo'yicha to'lovlarni o'z vaqtida amalga oshirilsin.

4. Ushbu qarorni nazoratini o'z zimmamda qoldiraman.

#### Komissiya a'zolari:

1. Bosh hisobchi:

Q.X.Amirov

2. MTB sho'ba rahbari:

Z.T.Xakimova

3. Moddiy boyliklar hisobchisi:

G.T.Norxodjaeva

4. Eksplutatsiya bo'limi rahbari:

S.X.Ubaydullaev



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

OLMAZOR TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100002, Toshkent shahar, Olmazor turmani, "Paxta" MFY, Sag'bon ko'chasi  
el. pochta: olmazor-t@adliya.uz

2022-yil 24-avgust

WC64384704

Toshkent shahar

### YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Olmazor tuman maktabgacha ta'lif bo'limi va "NIKA ANNA" MCHJ o'rtaida 385 500 000 so'm miqdordagi №2-sonli shartnoma tuzish to'g'risida.

Asos: O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida" gi qonuni, Xarid komissiyasining №133312-son lot bo'yicha bayonnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va ishlab chiqilgan sana.

Loyiha Olmazor tuman maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 2022-yil 22-avgust kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



K.Abdullayev

1791607



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"NIKA ANNA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"NIKA ANNA" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.02.2019

686477

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306135404

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, Beshqo'rg'on, 274-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 133312 на приобретение Олмазоор туманидаги 22-ДМТТ ни жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 17.08.2022

Время рассмотрения 17.08.2022 12:48

Конкурсная комиссия Олмазор тумани мактабгача таълим бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MIRZAYEVA NIGORA BOZOROVNA	Mudir v.v.b	Maktabgacha ta'lism bo'limi
<b>Секретарь комиссии</b>	TURSUNOV SAIDAKBAR IRKINOVICH	Давлат харидлари ва шартномалари бўйича мутахассис	TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI
<b>Член комиссии</b>	NARXODJAYEVA GULCHEXRA TULKUNOVNA	Тавар моддий қийматликлар хисоби бўйича гурӯҳ раҳбари	TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI
<b>Член комиссии</b>	UBAYDULLAYEV SARDOR XAYRULLAYEVICH	Максус таъмирлаш-эксплуатация хизмати бўлими Хизмат бошлиғи	TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI
<b>Член комиссии</b>	XAKIMOVA ZUMRAD TEMIROVNA	Давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини хамда ўқитишнинг муқобил шакилларини ташкил этиш шўъба мудири	TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI
<b>Член комиссии</b>	AMIROV KURBANJAN XAMITOVIDCH	Бош хисобчи	TOSHKENT SHAHAR OLMAZOR TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.08.2022 года № лота 133312.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	текущий ремонт беседки ДОО № 22
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	203 723 000.00
Стартовая сумма	203 723 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	текущий ремонт бассейна ДОО № 22

Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	28 797 527.00
Стартовая сумма	28 797 527.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту и благоустройству территории</b>
Подробное описание	текущий ремонт и благоустройства территории ДОО № 22
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	158 379 113.00
Стартовая сумма	158 379 113.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Моддий техник базаси мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатлар тасдиқланган холда илова қилиниши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "NIKA ANNA"</b>	20	385500000	20	Экспертная		
<b>ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS</b>	20	Маълумотнома	12	Экспертная		
<b>ООО SFATLI QURILISH 077</b>	20	390899640	15	Экспертная		

Критерий №2 Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "NIKA ANNA"</b>	10	385500000	10	Экспертная		
<b>ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS</b>	10	маълумот	10	Экспертная		
<b>ООО SFATLI QURILISH 077</b>	10	390899640	10	Экспертная		

Критерий №3 Ишлатиладиган қурилиш молларига кафолат ва рўйхат. Гувохнома, лицензия, сертификат.

Тип: Текстовое значение

Описание: Барча хужжатларни тасдиқлаб илова қилиш шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "NIKA ANNA"	20	385500000	20	Экспертная		
ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS	20	Маълумотноима	15	Экспертная		
ООО SFATLI QURILISH 077	20	390899640	20	Экспертная		

Критерий №4 Молиявий хужжатлар

Тип: Текстовое значение

Описание: охирги 3 йиллик, тасдикланган холда.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "NIKA ANNA"	20	385500000	20	Экспертная		
ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS	20	малумотнома	14	Экспертная		
ООО SFATLI QURILISH 077	20	390899640	15	Экспертная		

Критерий №5 Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг тасдикланган холда қабул қилинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "NIKA ANNA"	10	385500000	10	Экспертная		
ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
ООО SFATLI QURILISH 077	10	390899640	5	Экспертная		

Критерий №6 Сифат даражаси юқорилиги. Малакали мутахассислар мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хужжатлар ва кафолат хати тасдикланган холда илова қилиниши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "NIKA ANNA"</b>	20	385500000	20	Экспертная		
<b>ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS</b>	20	Маълумотнома	20	Экспертная		
<b>ООО SFATLI QURILISH 077</b>	20	390899640	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО SFATLI QURILISH 077</b>	390 899 640.00	390 899 640.00 UZS	390 899 640.00	00.00	390 899 640.00	12.08.2022 16:13:00	14.25
<b>ООО "NIKA ANNA"</b>	390 899 640.00	385 500 000.00 UZS	385 500 000.00	00.00	385 500 000.00	12.08.2022 12:07:05	14.45
<b>ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS</b>	390 899 640.00	371 300 000.00 UZS	371 300 000.00	00.00	371 300 000.00	12.08.2022 15:46:22	15.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО SFATLI QURILISH 077</b>	59.5	14.25	73.75
<b>ООО "NIKA ANNA"</b>	85	14.45	99.45
<b>ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS</b>	68.85	15	83.85

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 133312 от 17.08.2022 года на приобретение Олмазоор туманидаги 22-ДМТТ ни жорий тамирлаш определила победителем:

ООО "NIKA ANNA"  
306135404

и резервный исполнитель: ООО BUXORO MEGA STROY LYUKS (305509112)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MIRZAYEVA NIGORA BOZOROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NARXODJAYEVA GULCHEXRA TULKUNOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	UBAYDULLAYEV SARDOR XAYRULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAKIMOVA ZUMRAD TEMIROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AMIROV KURBANJAN XAMITOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП